



ГЕНЕРАЛ-АДЬЮТАНТ ФОН КАУФМАННИНГ БУХОРО АМИРИ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ САИД МУЗАФФАР БАХОДУРХОНГА ТАКЛИФ КИЛГОН СУЛХ ШАРТЛАРИ

Аълохазрат Русия императори жаноблари ҳукуматига мансуб бўлган ерларга олдин руслар томонидан ишгол килинган Кошгар, Довон ва Нурота тоглари шимолидан ташкари Ок подшоҳ тобелигига ўтишини илтимос, килган Самарканд шаҳри ўз музофотлари билан кйради. Жануб томондан бу ўлка Шахрисабз тоглари билан чегараланиб, Зарафшон водийси ва Нурота тоглари ўртасидан ўтади. Бухоро билан бўладиган чегара эса, шу сулх битими Амир жаноби олийлари томонидан таклиф килинган шартлар билан қабул килиниб, улар ўз мухрларини босиб қайтаргандан сўнг аникланади. Шундан сўнг чегара гарб томондан Нурота тоғларининг энг баланд жойидан ва Бухоро ҳудудида жойлашган Нурота қалъасидан ўтади. Шу ердан Кизилкум саҳроси ўртасидан ўтиб, Бўкантибв орқали Янгидаврё қуйилишигача етади.

Ҳамма рус фуқаролари, қайси динда бўлишларидан қатъи назар, Бухорога ва унинг бошқа шаҳарларига бориб савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар, Бухоро амирининг фуқаролари ҳам илгаригидек Русия империяси билан савдо қилишларига ижозат берилади.

Амир жаноби олийлари Русия фуқароларини қарвон ва барча мол-мулклари билан муҳофаза қилиб, уларни ўз мулки ҳудудида ҳавфсизлигини назорат этади.

Русия тожирлари учун Бухоро шаҳарларида ва улар хоҳлаган жойларда, ўз товарларини сақлаш учун қарвон саройлар қуришларига ижозат берилади. Русия шаҳарларида ҳам Бухоро тожирлари учун шундай ҳуқуқ берилади.

Савдо ишлари тўғри боришини ва қонуний бож олинишини назорат қилиш учун рус тожирлари хоҳишларига қараб Бухоро амирлигининг ҳар бир шаҳарида уларнинг қарвонбошилари бўлишига ҳуқуқ берилади. Туркистон ўлкасига қарашли шаҳарларда Бухоро тожирларига ҳам шундай ҳуқуқ берилади.

Русия еридан Бухорога ва ёки Русияга шу ердан борадиган ҳамма товарлардан Туркистон ўлкасида олинadиган миқдорда, ҳар ҳолатда Бухоронинг мусулмон фуқаролари билан бир хил, яъни товарнинг-умумий қийматидан 2,5 фоиз миқдорида бож олинади.

Муаллиф:
22.10.2010 19:40 -

Бу шартлар Самарканд шахридан 1868 йил 11 май куни жўнатилган.
Туркистон Генерал Губернатори ва Туркистон харбий округи кўшинларининг кўмондони
Генерал-адъютант фон Кауфман имзоси.

**БУХОРО АМИРИ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ САИД МУЗАФФАР БАХОДУРХОНГА
ГЕНЕРАЛ-АДЪЮТАНТ ФОН КАУФМАН ТАКЛИФ КИЛГАН СУЛХ ШАРТЛАРИГА
ИЛОВАЛАР**

Русия императори аълохазрат жаноблари ва Бухоро амири жаноби олийлари мулкларининг чегара чизиги жанубда Шахрисабз тоғларининг энг баланд жойларидан Зарафшон водийсига туташади, сўнгра Каттакўргон гарбидан бошланиб, Зарафшон водийси ўртасидан ўтади ва Октов, Нурота тоғлари билан кесишади. Сархад кейин Нурота тоғларининг энг баланд чўккиси оркали ўтади- Нурота калъаси эса Бухорода қолади. Шу ердан бошлаб, яъни Кизилкум саҳросидан то Бўкантовгача, шунингдек, мазкур тоғлардан Янгидарё этакларига қадар бўлган жойлар ҳам Русияга ўтади. Шу чегара чизигидан Шимол ва Шарк томонда жойлашган ҳамма ерлар Аълохазрат Русия императори жаноблари тасарруфи ва тобелигига ўтади ва шу чизикдан жануби гарбдаги ерлар Бухоро амири жаноб олийлари ихтиёрида қолади. Сулх имзолангандан кейин, чегара чизиги Бухоро амири жаноби олийлари юборадиган элчи ва Туркистон генерал-губернатори тайинлайдиган ваколатли шахсдан иборат бўлган махсус хайъат томонидан белгиланади. Чегарани аниқлаш хайъатига Русия императори кўшинидан посбонлар тайинланади. Генерал-адъютант фон Кауфман таклиф қилган ва Бухоро амири жаноби олийлари қабул қилган 2, 3, 4, 5 ва 6 сулхнома шартлари ўзгартирилмайди.

Бу иловалар Каттакўргондан 1868 йил 23 май куни юборилган.
Туркистон генерал-губернатори ва Туркистон харбий округи кўшинларининг кўмондони
генерал-адъютант фон Кауфман имзоси.

**ГЕНЕРАЛ-АДЪЮТАНТ ФОН КАУФМАН ТОМОНИДАН БУХОРО АМИРИ ЖАНОБИ
ОЛИИЛАРИ САИД МУЗАФФАР БАХОДУРХОНГА ТАКЛИФ КИЛГАН СУЛХНОМА
ШАРТЛАРИНИНГ МАХФИИ ИЛОВАЛАРИ**

Бухоро Амири Жаноби олийлари Русия даолати билан чин дўстликда яшаш ва жаноби аълохазрат Русия империяси подшохи аъзамнинг хомийлигини олиш учун шу йилдаги жанг харажатларини қоплаш учун 125000 тилла миқдорида товуни тўлайди.

125000 тилла пул ё кумуш билан тўланади ва ҳар бир тилла 20 танга ҳисобланади. Жаноби олийлари шу шартларга имзо чеккандан сўнг Россияга тўланадигон 125000 тилла ҳисобидан зудлик билан 10 минг тилла ундирилади. 90000 тилла 1868 йилда 21 майдан бошлаб 30 кун ичида тўланиши шарт. Колган 25000 тилла кейинрок, бир йил ичида тўпланиши керак.

Бухоро амири жаноби олийлари беклар чегарадан Россия давлати ҳудудига ўтуб карокчилик қилмаслигини назорат этади. Улар Россия ҳукумати билан дўстлик муносабатида бўлишлари лозим.

Туркистон генерал-губернатори ўз томонидан Россия ва Бухоро билан дўстлик муносабатларини кейинчалик иккала ҳукумат ва давлатнинг бахт ва саодати йўлида ривожлантириш учун ҳамма чораларни қўради.

Бу шартлар Каттакўргондан 1868 йил, 23 май куни жўнатилган.

Туркистон генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-адъютант фон Кауфманнинг имзоси.

«Правительственньж вестник», 1872, № 238

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ, ГЕНЕРАЛ-АДЪЮТАНТ ФОН КАУФМАН ВА БУХОРО АМИРИ САИД МУЗАФФАР ЎРТАЛАРИДА ТУЗИЛГАН АХДНОМА

1-модда. Россия подшохи жаноблари Императори аъзам ва Бухоро Амири жаноби олий мулкларининг ўрталаридаги чегара чизиги ўзгармайди.

Амударёнинг сўл сохилидан бошлаб Хева ерлари рус мулкига қўшилгандан сўнг ҳамда Бухоро Амири ва Хева хонининг илгариги гарбий чегаралари, яъни Амунинг сўлидаги Холота мавзеидан Гугертли тўкай томонига борадиган чегара бекор қилинади.

Бухоро амирининг мулкига илгари Бухоро ва Хева чегараси бўлган Амударё сохилининг сўл томони: Гугертлидан то Мишекли тўкайгача ҳамда Мишеклидан бошлаб илгариги Бухоро ва Хева чегараси ва Россия давлати чегарасигача бўлган ҳудуд ўтади.

2-модда. Хева хонлигидан Амударё сохилининг сўл қисмидаги ерлар ажратиб олингани учун Бухородан шимолдаги рус ерларига борадиган ҳамма қарвон йўллари фақат Бухоро ва Россия ерлари орқали ўтади.

Ҳар иккала ҳукумат Бухоро ва Россия ўз ерлари ҳудудида қарвонлар ва тижоратни муҳофаза қилиш устидан назорат ўрнатадилар.

3-модда. Амударёнинг Бухоро амирига мансуб бўлган қисмида Бухоро кемалари билан бир қаторда Россия давлати кемалари ҳамда хусусий кемалар учун эркин сузиш ҳукуқи берилади.

4-модда. Амударёнинг Бухоро давлатига тегишли сохилларида руслар хохлаган қулай жой-ларда омбор ва бандар қуриш ҳукукига эгадирлар. Бу омбор ва бандарларни химоя қилиш ишла-рини Бухоро ҳукумати ўз зиммасига олади. Бандар қурилиши учун белгиланган жойларни Туркистондаги русларнинг олий ҳукумати тасдиқлайди.

5-модда. Бухорр амирлигидаги ҳамма шаҳар ва кишлоклар рус савдоси учун очикдир. Рус тожирлари ва рус карвонлари амирлик ҳудудида эркин ҳаракат қилиб, маҳаллий ҳокимлар томонидан махсус ҳомийликка олинади. Рус карвонларининг Бухоро ҳудудидаги хавфсизлиги учун Бухоро ҳукумати жавоб беради.

6-модда. Русияда Бухорога ёки Бухородан Русияга олиб бориладиган рус тожирларининг ҳамма моллари умумий қийматидан 25 фоиз миқдорида бож олинади, Туркистон ўлкасида эса 1,40 қисм миқдорида бож олинади. Бу зақотдан бошқа солиқ олинмайди.

7-модда. Рус тожирлари Бухородан бошқа қўшни жойларга солиқсиз товар олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.

8-модда. Рус тожирлари зарур ҳолатларда Бухоро шаҳарларида товарларини сақлаш учун карвонсаройлар қуришга ҳуқуқлидирлар.

9-модда. Савдо жараёни тўғри бориши ва солиқ олишнинг қонуний бўлиши учун ҳамда маҳаллий ҳукумат билан тижорат ишларини олиб бориш учун рус тожирлари Бухоро шаҳарларида тижоратхона очишга ҳақлидирлар. Бухоро тожирлари учун Туркистон ўлкасида ҳам шундай ҳуқуқ берилади.

10-модда. Русия ва Бухоро ўртасидаги савдо мажбуриятлари ҳар иккала томонлама муқаддас саналади ва бузилмаслиги шарт. Бухоро ҳукумати савдо ва умуман тижорат ишлари одилонга бўлишига қафолат беради ҳамда улар устидан назорат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

11-модда. Русия тобелари Бухоро фуқаролари билан бир қаторда Бухорода шариат талабларига қараб, ҳар хил иш ва қасблар билан машғул бўлиши ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро фуқаролари ҳам рус мулкларида Русия қонунлари ижозат берган барча фаолият турлари билан шугулланишга ҳақлидирлар.

12-модда. Русия тобелари амирлик ҳудудида хусусий мулк, яъни уй, боғ, ер сотиб олишга ҳуқуқлидирлар. Бу мулкдан Бухоро фуқаролари билан бир хилда хирож олинади.

Шундай ҳуқуқдан Русия империясида Бухоро фуқаролари ҳам фойдаланадилар.

13-модда. Русия тобелари рус ҳукуматининг чегарадан эркин ўтишга доир ижозатномаси билан Бухорога келадилар: улар амирликнинг ҳамма жойларига бориш ҳуқуқига эга бўлиб, Бухоро ҳукуматининг махсус ҳомийлигидан фойдаланадилар.

14-модда. Русия ҳукуматидан ижозати бўлмаган, қайси халққа мансублигидан қатъий назар, ҳар хил қимсаларни Бухоро ҳукумати қабул қилмайди. Агарда Русия тобеларидан қонун йўли билан таъқиб этилаётган бирон бир жинойтқор Бухоро ҳудудида яширинса, Бухоро ҳокимияти томонидан бундай қишилар тутиб олиниб, рус ҳукуматига топширилади.

15-модда. Ўрта Осиёдаги русларнинг олий ҳукумати билан яқин ва доимо муносабатда бўлиш учун Бухоро Амири ўзининг ишончли қишиларидан бирон шахсни Тошқентда доимий ва вақолатли элчи қилиб тайинлайди. Бу вақолатли элчи Тошқентдаги амир ховлисида Амир ҳисобидан яшайди.

16-модда. Русия ҳукумати ҳам Бухорода ўз доимий намояндасини Амир жаноби олийлари ҳузурида тайинлаши мумкин. (Бухородаги Русия ҳукуматининг вакили Русия ҳукумати ҳисобидан яшайди.)

17-модда. Русия империяси Подшоҳига ёқиш ва Императори аъзам жанобларининг обрўсини қўтариш учун Амир Саид Музаффар жаноби олийлари қарор қилади: бугундан эътиборан Бухоро ҳудудида абадул-абад инсонпарварлик қонунига зид бўлган одамлар билан савдо қилиш бекор қилинади. Шу қарорга биноан Саид Музаффар ўзининг

Муаллиф:

22.10.2010 19:40 -

бекларига шу мазмунда катъий буйрук жўнатади: агарда Бухоро чегарасидаги шаҳарлар юкорида зикр этилган фармонга карши Бухоро фукарolari учун бошка кўшни давлатлардан куллар олиб келтирса, улар билан савдо килиш хат оркали тўхтатади. Амир фармонида риюя этмай олиб келтирилган одамлар эса ўз хўжайинларидан тортиб олиб, озод этилади.

18-модда. Саид Музаффар чин калбдан дўстлик ва кўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустахкамлаш учун Русия ва Бухоро ўртасидаги дўстона шартномани хамда 5 йилдан буён амал килиб келаётган 17-моддани Бухоро саодати учун қўлланма сифатида қабул килади. Бу шартнома икки нусхада, икки тилда рус ва туркий тилларда ёзилди. Тасдиклаш нишонаси учун Саид Музаффар ўз мухрини босди ва уни ўзига ва ворислари учун қўлланма сифатида қабул килди.

23 сентябрь 1873 йил, 1290 йил шаъбон ойининг 19-куни.

«Правительственный вестник» 1873, № 300.

Рус тилидан Шодмон ВОХИД таржимаси